

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ САНЖАР РАШИДОВИЧ

**МЕЛИОРАТИВ НАСОС СТАНЦИЯ СУВ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ИНШООТИНИНГ ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.09.06–Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Жураев Санжар Рашидович

Мелиоратив насос станция сув қабул қилиш иншоотининг янги
конструкциясини тадқиқ қилиш..... 3

Жураев Санжар Рашидович

Исследование новой конструкции водоприемного сооружения
мелиоративных насосных станций..... 21

Juraev Sanjar Rashidovich

Research of a new design water intake structure reclamation pumping
stations..... 39

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ САНЖАР РАШИДОВИЧ

**МЕЛИОРАТИВ НАСОС СТАНЦИЯ СУВ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ИНШООТИНИНГ ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T832 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухаммадиев Мурадулла Мухаммадиевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Базаров Дилшод Райимович**
техника фанлари доктори, профессор

Шакиров Бахтияр Махмудович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Р. Бакиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларнинг энергия самарадорлигини ошириш, уларнинг ишончли ва юқори ресурс тежамкор режимларда ишлашини таъминлаш, истеъмолчиларга кафолатли сув етказиб бериш учун насос станцияларидан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, ривожланган давлатларда насос станцияларининг гидротехник иншоотларида сув таркибидаги қаттиқ жисмларнинг чўкиш жараёнини бартараф этиш, иншоотлардаги лойқа чўкмаларни тозалашнинг самарали усуллари кўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда етакчи илмий муассасаларда насос станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш учун жиҳозларни оптимал иш режимларида эксплуатация қилиш, энергия истеъмолини махсус дастурлар ва ечимлар ёрдамида бошқариш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, жумладан насосларнинг параметрларини сув истеъмоли талабига тўлиқ мос ҳолда автоматик режимда ростлаш, энергия истеъмолида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республика сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, иншоотлар ва жиҳозларнинг оптимал параметрларини аниқлаш, улардан фойдаланишнинг замонавий илғор усулларида фойдаланиш, насос станциялари иншоотларида сув оқимининг гидравлик ва лойқа режимини бошқариш орқали унинг эксплуатацион режимини такомиллаштиришга ва жорий этишга доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, республикамиздаги суғориладиган майдонларнинг ярмидан ортиғи, яъни 2,4 млн. гектар экин майдони насос станциялар билан суғорилмоқда ва бунинг учун 2019 йилда 7,408 млрд.кВт·соат (мамлакат бўйича энергия истеъмолининг 11,3 фоизи) сарф қилинди ва энергия тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Жумладан, насос станцияларда энергияни тежайдиган янги конструкциялар ва ечимларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармонлари, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологияларни тадбиқ этишни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг IV «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда мелиоратив насос станцияларда уларнинг эксплуатацион самарадорлигини оширишга қаратилган янги техник ечимлар ва конструкциялар бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи олимлари томонидан олиб борилган. Жумладан, гидрооқимчали насос ёрдамида кўп фазали суюқликларнинг гидротранспортини амалга ошириш масалалари билан Е.А. Соколов, Н.М. Зингер, Л.Г. Подвидз, Ю.С. Кирилловский, Б.Ф. Лямаев, С.А. Тарасьянц, В.К. Темнов, I.A. El-Savaf, G. Fish, I.R. Teaima, G. Govatos ва бошқалар шуғулланишган.

Ўзбекистонда Мелиоратив насос станциялар иншоотларида янги конструкцияларнинг насос станцияси самарадорлигига таъсири, шунингдек сув оқимидаги қаттиқ заррачаларнинг чўкиши, лойқа чўкмаларидан иншоотларни тозалаш жараёнлари мамлакатимиз олимлари А.М. Арифжонов, М.Р. Бакиев, О.Я. Гловацкий, М. Мамажонов, М.М. Мухаммадиев, Б.У. Уришев, шунингдек бу тадқиқотлар хорижий олимлар С.Х. Абальянц, Ю.А. Ибад-заде, Н.Т. Кавешников, И.И. Леви, И.Е. Михайлов, М.Л. Неминский, Л.С. Животовский, Л.А. Самойловская, P. Chamlong, A. El-Shaikh, N.E. Sanger, I. Zandi. ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган олимлар изланишларида насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларини лойқа чўкмаларидан тозалаш жараёнида гидрооқимчали насослардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган бўлсада, мазкур насослар учун сарф бўладиган энергетик харажатларни ва ресурслар сарфини камайтириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг ГНТП-13-014 «Насос станция иш режимларини бошқаришда энергия

тежовчи тизимларни ишлаб чиқиш» (2009-2011), ИОТ-2012-5-11 «Насос станция аванкамерасида лойқа босишининг олдини олиш учун мослама яратиш ва тадқиқ этиш» (2012-2013) ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодий институтида ИТД-3-26 «Насос станцияларда сув қабул қилиш иншоотининг янги конструкциялари асосида энергия ва сув тежаш технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» (2012-2014) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларида лойқа чўкмаларини тозалашнинг янги, самарали қурилмасини ишлаб чиқиш ва унинг техник, гидравлик, энергетик параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

насос станциялар сув қабул қилиш иншоотида лойқа чўқиш жараёнини ўрганиш ва лойқа чўкмаларини тозалашнинг мавжуд усуллари ва конструкцияларини таҳлил қилиш;

сув қабул қилиш иншоотларида лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмасини ишлаб чиқиш;

лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмасининг гидравлик ва техник параметрларини аниқлаш методикасини такомиллаштириш;

гидрооқимчали насос қурилмасининг экспериментал тадқиқотларини ўтказиш ва унинг напор – лойқа сарфи характеристикасини аниқлаш;

насос агрегати билан гидрооқимчали насос қурилмасининг биргаликдаги иш режимини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мелиоратив насос станцияларининг сув қабул қилиш иншоотлари (аванкамералари) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сув келтирувчи канал, аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмалари, сўриш қувурлари, лойқа чўкмалари, гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида лойқа заррачаларининг чўқиши жараёнини ва лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасининг асосий параметрларини аниқлашда аналитик ва графоаналитик усуллардан, экспериментларни ўтказиш ва натижаларга ишлов беришда математик статистика, экспериментларни режалаштириш усуллари, гидравлик моделлаштириш қонуниятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

насос станцияларининг сув қабул қилиш иншоотидаги лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмаси унинг энергия тежамкорлигини инобатга олиб такомиллаштирилган;

гидрооқимчали насоснинг «напор – сув сарфи» характеристикасини аниқлаш усули оқимнинг импульс кучлари ва ҳаракат миқдорини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

насос агрегати билан гидрооқимчали насоснинг биргаликдаги иш режимини аниқлаш усули параллел ишлаётган насослар иш режимлари асосида ишлаб чиқилган;

гидрооқимчали насоснинг «напор – лойқа сарфи» характеристикасини аниқлаш усули аванкамераларидаги лойқа чўкмаларини чиқариб ташлаш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

насос станцияси сув қабул қилиш иншоотининг лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос ёрдамида тозалаш бўйича янги қурилма ишлаб чиқилган;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмасининг бевосита амалиётда қуллаш учун яроқли бўлган «напор – сув сарфи – лойқа сарфи» график характеристикаси олинган;

насос станциясининг эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий изланишларнинг кенг қўлланиладиган математик ва физик қонуниятлар асосида бажарилганлиги, экспериментлар моделлаштириш қонунларига мос равишда ўтказилганлиги ва уларнинг натижалари олинган назарий натижаларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос станцияси сув қабул қилиш иншоотида лойқа заррачаларининг чўкиши ва чўкмаларни гидрооқимчали насос билан тозалаш жараёни, унинг насос станция эксплуатацион кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш соҳасида илмий – техник тушунчаларни ва билимларни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти насос станцияси сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкмаларидан тозалаш технологияси ва қурилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қурилмага ўхшаш қурилмаларга нисбатан анча кам капитал ва эксплуатацион харажатларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мелиоратив насос станциялар сув қабул қилиш иншоотининг янги конструкциясини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

насос станциялари сув қабул қилиш иншоотининг лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос билан тозалаш қурилмасининг энергия тежамкор конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган («Сув қабул қилиш иншооти» №FAP 00938, 28.08.2014). Натижада насос станцияси сув қабул қилиш иншооти тубида лойқа чўкишининг олдини олиш ва агрегатларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш имконияти яратилган;

насос агрегати билан гидрооқимчали насоснинг биргаликдаги иш режимини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 04/20-3986-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияси сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари ва электр энергияси исрофининг камайиши ҳисобига ҳар бир насос станциясида йилига 20-60 млн. сўм тежаш имконини берган;

гидрооқимчали насоснинг «напор – лойқа сарфи» характеристикасини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармасига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 04/20-3986-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияларнинг эксплуатация харажатларини 5...10 % га камайтириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделига патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, чоп қилинган ишлар, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Мелиоратив насос станциялар сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкмаларидан тозалаш бўйича амалдаги усулларининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида насос станциялар (НС) сув қабул қилиш иншоотларида оқимнинг ўзига хос ҳаракати туфайли лойқа заррачаларининг чўкиши жараёни ва бунга сабаб бўлувчи асосий омиллар таҳлил қилинган, қалин лойқа қатламлари насослар фойдали иш коэффициентини (ФИК) 4 % гача, сув бериш унумдорлигини 5...6 % гача пасайтириши мумкинлиги аниқланган. Сув қабул қилиш иншоотларини лойқа чўкмаларидан тозалаш усуллари таҳлил қилиниб, ҳозирги кунда лойқа чўкмаларини тозалаш вегетация давридан кейин (НС тўхтатилгандан кейин) амалга оширилганлиги сабабли бу ҳолат вегетация пайтида ишлаётган насослар самарадорлигига салбий таъсир этаётгани кўрсатилган.

Илмий манбалар таҳлили асосида НСлар ишлаётган пайтда лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос (ГОН) лар билан тозалаш самарали усуллардан бири эканлиги кўрсатилган. ГОНнинг ишлаш принципи ва моҳияти очиқ берилган, улардаги гидравлик, гидродинамик жараён ҳақида маълумотлар баён қилинган. Илмий манбалар ва тадқиқотлар таҳлили асосида хулоса қилинганки, лойқали гидроаралашма гидротранспортида қўлланилаётган ГОНнинг параметрларини аниқлаш усуллари жуда мураккаб ва баъзи факторларни ҳисобга олмайди (гидроралашма зичлигининг ўзгаришини, насос станция ва ГОН иш режимлари орасидаги боғлиқликни), шунингдек босим қувуридаги оқимнинг гидравлик энергиясидан фойдаланиш имконияти ҳам етарлича тадқиқ қилинмаган.

Диссертациянинг **“Насос станцияси сув қабул қилиш иншоотини гидрооқимчали насос билан лойқа чўкмаларидан тозалаш параметрларини аниқлаш”** деб номланган иккинчи бобида ГОН билан лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасининг патентли янги конструкцияси келтирилган (1-расм).

Мазкур конструкциянинг бошқалардан фарқи шундан иборатки, бунда ГОНга бериладиган босимли ишчи сув оқими учун махсус насос талаб этилмайди, бунинг учун 2 сув насоси ёрдамида 4 босим қувурида юзага келтириладиган гидравлик энергиядан фойдаланилади, яъни 5 босимли сув бериш қувурчасидан берилётган сув оқими ГОНга ва лойқа чўкмаларини қузғатиш учун берилади. Натижада ГОНда юзага келадиган босим ўзгариши лойқали гидроаралашманинг аванкамерадан ташқарига чиқиб кетишини таъминлайди.



1-насоснинг сўриш қувири; 2-насос; 3-гидрооқимчали насос; 4-босим қувири; 5-босимли ишчи сув бериш қувурчаси; 6-лойқа кўзгатиш учун сув бериш қувурчаси; 7-лойқани олиб кетиш қувири (пульпопровод); 8-хизмат кўприги

1-расм. Лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмаси схемаси

Таклиф этилган қурилмадаги ГОНнинг назарий тадқиқотларида унинг асосий параметрлари - босимли ишчи сув оқимининг напори H_1 ва сарфи Q_1 ; сўриладиган гидроаралашма сарфи Q_2 ; ГОНдан чиқишдаги напор H_3 ва гидроаралашма сарфи Q_3 ; аванкамерадаги сув напори H_2 ; сопло диаметри d_c ; аралаштириш камераси диаметри d_k ; лойқа сарфи Q_m каби кўрсаткичлар такомиллашган методика ёрдамида аниқланади (2 – расм).


Юқорида келтирилган параметрларини аниқлаш учун 2-2 ва 3-3 кесимлари оралиғида оқимнинг импульс кучлари ва ҳаракат миқдори баланси назариясидан фойдаланиб, сув ҳайдаб берадиган ёки лойқа концентрацияси паст бўлган гидроаралашмалар учун ГОНнинг “напор – сув сарфи” характеристикасини қуйидаги тенглама орқали ҳисоблаш таклиф этилди

$$q = \frac{0,55 \cdot (\varphi_1 \sqrt{H_1} - \varphi_3 \sqrt{H_3})}{\varphi_3 \sqrt{H_3} - \varphi_2 \sqrt{H_2}} \quad (1)$$

бунда: $q = Q_2/Q_1$ – ГОНнинг нисбий сув сарфи, $\varphi_1, \varphi_2, \varphi_3$ – соплодан чиқишда, аралаштириш камерасига киришда ва диффузорга киришдаги оқим тезликларининг коэффициентлари.

ГОНнинг нисбий напорини $h = \frac{H_3 - H_2}{H_1 - H_2}$ (2) нисбат билан ифодалаб ва шу нисбатда (1) орқали q ни ҳисоблаб, насоснинг “напор – сув сарфи” характеристикасини $q = f(h)$ графиги кўринишида бериш мумкин. Мазкур графикнинг $q < 4,0$ ва $h = 0,08...0,7$ қийматларидаги кўриниши 3-расмда берилган. Ушбу расмда таққослаш мақсадида бошқа тадқиқотчилар методикалари асосида ҳисобланган натижалар ва графиклар ҳам берилган.


Ушбу натижалар ва графиклар 3-расмда кўриниб турибдики, бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган натижалар (1) тенглама асосида ҳисобланган натижалардан катта фарқ қилмайди, $q = f(h)$ графиги ҳам бошқа графикларга ўхшаш. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур (1) тенгламадан сув ёки паст концентрацияли лойқа аралашмаларини ҳайдаб беришга мўлжалланган ГОНнинг параметрларини аниқлаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



- 1 – сўриш конфузори;
- 2 – сопло;
- 3 – аралаштириш камераси;
- 4 – диффузор;
- 5 – лойқа кувури (пульпопровод),
- 6 – лойқа титгич (гидрорыхлитель).

2-расм. Лойқа тозалашга мўлжалланган гидрооқимчали насоснинг асосий қисмлари ва параметрлари

Юқори лойқа концентрациясига эга бўлган гидроаралашмаларни ҳайдаб берадиган ГОНнинг “напор – сув сарфи” характеристикасини аниқлаш учун Е.А. Соколов ва Н.М. Зингер методикаси асосида такомиллаштирилган қуйидаги (3) тенгламадан фойдаланиш мумкин.



- △ Ю.Л. Кирилловский маълумотлари бўйича
- Е.А. Соколов маълумотлари бўйича
- Кэрнс ва На маълумотлари бўйича
- ▼ (1) тенглама бўйича қийматлар
- (△, ●, □) нуқталар бўйича қурилган график
- (1) тенглама бўйича қурилган график

3-расм. Гидрооқимчали насоснинг напор – сув сарфи характеристикаси графиги

$$h = 0,902 \cdot \bar{\omega} \left\{ 1,75 + 0,3\bar{\omega} S q_m^2 (1 + \alpha) \left(\frac{\rho_1}{\rho_2} \alpha + \frac{\rho_1}{\rho_\tau} \right) - 1,34\bar{\omega} \left[1 + q_m (1 + \alpha) \left[\frac{\rho_1}{\rho_3} (1 + \alpha \cdot q_m) + \frac{\rho_1}{\rho_\tau} q_m \right] \right] \right\} \quad (3)$$

бунда: $\bar{\omega} = \varphi_1^2 \cdot \varphi_2^2 \cdot h$ - ГОН кўндаланг кесимларининг оптимал нисбий қиймати; $S = 1/(1 - \bar{\omega})$, $\alpha = Q_{сыв}/Q_m$, $Q_{сыв}$ ва Q_m - сув ва лойқа (қаттиқ жисм) сарфи; $q_m = \frac{Q_m}{Q_1}$ - лойқанинг нисбий сарфи; $\rho_1, \rho_2, \rho_3, \rho_\tau$ - сув, сўриладиган гидроаралашма (Q_2), ГОНдан чиқишдаги гидроаралашма (Q_3) ва лойқа (Q_m) - зичликлари қийматлари.

Масалан, $H_1=30$ м, $H_2=3,0$ м, $H_3=8,0$ м, $\alpha=1,0$, $\rho_1=1000$ кг/м³; $\rho_2=1600$ кг/м³; $\rho_3=1362$ кг/м³; $\rho_m=2200$ кг/м³ билан белгиланган шароитларда аванкамерадан чиқариб ташланиши зарур бўлган лойқа сарфи


$Q_m=2,5 \text{ м}^3/\text{соат}$ бўлса, ГОНнинг (3) тенглама билан аниқланадиган “напор – сув сарфи” характеристикаси қуйидаги кўринишда бўлади.

$$h=0,285 - 0,07 \cdot q_m^2 - 0,106 \cdot q_m \quad (4)$$

Ушбу тенглама асосида қуриладиган $q = f(h)$ графиги 4-расмда берилган.

ГОНнинг параметрларини ҳисоблашда турли хил шароитларда, лойка концентрацияси ҳар хил бўлган гидроаралашмаларни ҳайдаб беришда тўпланган тажрибага таянган ҳолда аниқланган $\frac{Q_1}{Q_1 + Q_{\text{с\у\е}} + Q_m} = 0,3 \dots 0,6$,

$Q_{\text{с\у\е}}/Q_m \approx 1,0$ нисбатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Ҳисобланган параметрлар асосида ГОНнинг геометрик ўлчамлари аниқланади.



4-расм. Гидрооқимчали насоснинг гидравлик характеристикаси

ГОНга сув оқими босим қувуридан берилганлиги туфайли, унинг насос станцияси иш режимига қандай таъсир қилишини баҳолаш лозим. Шу мақсадда насос станцияси билан ГОНнинг узаро иш режимини графоаналитик усулда аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

Ушбу методиканинг асосий мақсади насос агрегати билан ГОНнинг биргаликдаги иш режимини аниқлаш ва бу режимда юзага келадиган асосий параметрларни, жумладан насос қуввати ва истеъмол электр энергиясини аниқлашдир.

Мазкур методика бўйича насос қувурлари гидравлик характеристикаларини аниқлашнинг маълум усуллари асосида $\Delta h - Q$ графиги қурилади ва унинг вертикал бўйича қийматлари $H - Q$ қийматларидан ($Q = const$ бўлган ҳолда) айрилади ва натижалар бўйича $H' - Q$ графиги қурилади (5-расм).


Ушбу графикнинг $H_{\text{к\у\е}} - Q$ графиги билан кесишган нуқтаси A насос агрегатининг ишчи нуқтаси бўлади. Худди шунингдек, ишчи сув оқимини бериш қувурчасининг геометрик ўлчамлари ва Q_1 асосида $H_{1\text{к\у\е}} - Q$ графиги қурилади ва унинг $H' - Q$ билан кесишган нуқтаси C ГОНнинг ишчи нуқтаси ҳисобланади.

насос босим қувуридан ГОНга сув берилиши натижасида насос сув бериш унумдорлиги $Q_1 = Q_A - Q_B$ га камаяди ва ГОНга пастки бьефдан гидроаралашма сўрилиши натижасида $Q_2 = Q_D - Q_A$ га ошади.

Мазкур қурилманинг асосий параметрлари, шу жумладан зарур қувват N_D ва электр энергияси миқдори \mathcal{E}_D , D ишчи нуктага мос келувчи параметрлар ёрдамида аниқланади.

$$N_D = 9,81 \cdot Q_D \cdot H_D / \eta_D; \quad \mathcal{E}_D = N_D \cdot T_{\text{ГОН}}; \quad (5)$$

бунда: $T_{\text{ГОН}}$ – ГОНнинг ишлаш вақти, соат



7-расм. Лойқани юқори бьефга чиқаришда насос агрегати ва ГОНнинг иш режими графиклари

$H - Q$ – насоснинг напор характеристикаси (НХ).

$H' - Q$ – насоснинг янги НХ.

$H_{\text{күв}} - Q$ – босим қувурининг НХ.

$\Delta h - Q$ – насоснинг сўриш қувури ва босим қувурининг ишчи оқимни берувчи қувурча жойлашган кесим-гача бўлган қисмидаги напор йўқолиши характеристикаси.

$H_{\text{ГОН}} - Q$ – ГОНга ишчи сув оқимини бериш қувурчасининг НХ.

$H'_{\text{күв}} - Q$ – ишчи сув оқими қувурчаси билан босим қувурининг умумий НХ

$\eta - Q$ – ФИК характеристикаси.

$H_{\text{ум}} - Q$ – насос агрегати билан ГОНнинг умумий НХ.

Диссертациянинг “Гидрооқимчали насос билан жиҳозланган лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасининг лаборатория тадқиқотлари” деб номланган учинчи бобида экспериментларни бажариш методикаси, тажрибаларни моделлаштириш шартлари ва мезонлари, лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Тажрибаларни моделлаштириш шартлари ва мезонлари сифатида геометрик ўхшашлик шarti $\alpha_1^r = \alpha_2^r = \frac{d_k}{d_c}$, лойқа заррачаларининг кинематик


ўхшашлиги проф. И.И.Леви томонидан таклиф этилган Рейнольдс сонини, лойқа заррачаларининг геометрик ўлчамлари ва зичлигини ҳисобга олувчи мезон қабул қилинган, ГОНнинг кинематик ўхшашлиги эса

$\alpha_9^c = \alpha_9^k = \alpha_9^d = \sqrt{\frac{H_{11}}{H_{12}}}$ мезони бўйича қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Бунда α_9^c , α_9^k , α_9^d – сопло, аралаштириш камераси ва диффузордаги оқим тезлигининг миқёс коэффициентлари.


ГОНда гидродинамик ва геометрик ўхшашлик мезони сифатида проф. Ю.А. Сазонов томонидан таклиф этилган $\beta = \left(\frac{d_k}{d_c}\right) \cdot \frac{2}{\varepsilon}$ боғлиқлиги қабул

қилинган, бунда: $\varepsilon = \frac{\mu}{\varphi}$ – соплодан чиқишда оқимнинг сиқилиш коэффициенти.



8-расм. Лаборатория қурилмасининг схемаси

1 – гидрооқимчали насос; 2 – насосдан босимли сув бериш резина қуури; 3 – лойқани олиб кетиш қуури; 4 – лойқа чўкмасы; 5 – пастки бақ; 6 – юқори бақ; 7 – тиндирилган лойқа чўкмасы.



9-расм. Гидрооқимчали насоснинг кўриниши

1 – насосдан босимли сув бериш қуури; 2 – лойқа кўзгатиш учун бериладиган сув қуури; 3 – соплогa сув бериш қуури; 4 – лойқани сўриш конуси; 5 – аралаштириш камераси; 6 – диффузор; 7 – лойқани олиб кетиш қуури.

Лаборатория қурилмаси ГОН ёрдамида лойқа чўкмаларини тозалаш жараёнини моделлаштириш асосида қурилманинг “напор – лойқа сарфи” характеристикасини аниқлаш учун мўлжалланган. Лаборатория қурилмасининг схемаси 8 – расмда, ГОНнинг тажрибавий нусхасининг кўриниши 9 – расмда келтирилган.


Тажрибаларда қуйидаги параметрларнинг сарфлари хажмий усул ёрдамида ўлчанди: босим қууридан берилаётган ишчи сув сарфи Q_1 , ГОНдан чиқаётган гидроаралашма сарфи Q_3 , гидроаралашма таркибидаги лойқа миқдори Q_m . Бақлардаги сув чуқурлиги, ГОНга киришдаги ва чиқишдаги напор қийматлари пьезометрлар ва манометр ёрдамида ўлчанди.

Экспериментларнинг сони, уларнинг кетма-кетлиги ва чегаравий қийматлари тажрибаларни режалаштириш қоидалари орқали аниқланди.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари асосий параметрлар - H_1 , Q_1 , Q_3 , h , q_m , η ларнинг узаро таъсирини, уларнинг ўзгариш динамикасини яққол акс эттирадиган графиклар кўринишида тақдим этилди.

Шундай графиклардан бири ГОН соплосига берилаётган сув оқими напори H_1 билан гидроралашма сарфи Q_3 қийматлари ўзгаришининг чиқариб ташланаётган лойқа сарфи Q_m га таъсири 10 – расмда келтирилган.

Графикдан кўриниб турибдики, аванкамерадан чиқариб ташланадиган лойқа сарфи Q_m миқдори Q_3 миқдорига пропорционал равишда ошиб боради, лекин H_1 камайиб боради. Бунинг асосий сабаби гидрооқимчали насосга насос агрегатидан берилаётган сув сарфининг ошиши (бунга Q_3 боғлиқ) напор камайишига олиб келиши ҳисобланади. Масалан, $H_1=25$ м да $Q_1=1,94$ л/с, ва шунга мос равишда $Q_3=2,5$ л/с бўлганда $Q_m=0,68$ л/с, шунингдек, $H_1=39$ м, $Q_1=0,7$ л/с, $Q_3=1,6$ л/с бўлганда $Q_m=0,504$ л/с га тенг бўлади.




10-расм. Гидроқимчали насос ҳайдаб бераётган лойқа сарфини аниқлаш графиги

Лаборатория тадқиқотлари тажрибалар натижаларини аппроксимацияловчи эмпирик тенгламани, яъни тажрибаларнинг H_1 ва Q_3 параметрлари куйидаги математик моделини аниқлаш имконини берди.

$$Q_m = 0,6475 - 0,0075 \cdot H_1 - 0,0225 \cdot Q_3 + 0,0025 \cdot H_1 Q_3 \quad (6)$$

Ушбу регрессия тенгламасининг экспериментлар натижаларига мослиги Стъудент ва Фишер мезонлари асосида дисперсион таҳлил қилинганда, ҳисоблар ва экспериментлар натижалари бир-бирига мос эканлиги аниқланди.




11-расм. Гидроқимчали насоснинг асосий параметрлари графиглари

Бажарилган лаборатория тадқиқотлари натижалари ГОНнинг таклиф этилган напор – лойқа характеристикаси тенгламаси (3) ни насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш қурилмасининг оптимал параметрларини аниқлаш учун қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

Лаборатория тадқиқотлари давомида олинган натижаларнинг назарий тадқиқотлар натижаларига мос келиши ҳолатини текшириш учун экспериментлар ўтказилган шароитларга максимал даражада мос келадиган (4) тенглама бўйича ҳисобларни амалга ошириб, уларнинг асосида $h=f(q_m)$ графигини қурамиз (11 – расм).

Ушбу график билан экспериментлар натижалари асосидаги фарқ 5 % дан ошмайди, шу сабабли олинган натижалар ҳисобларга мос келади деган хулосага келиш мумкин.

Диссертациянинг “Мелиоратив насос станциялар сув қабул қилиш иншоотининг янги конструкцияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” деб номланган тўртинчи бобида насос станцияси аванкамерасидаги лойқа чўкмаларининг станция энергоиқтисодий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ва лойқа чўкмаларидан тозалаш қурилмасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича бажарилган ҳисоблар натижалари келтирилган.



12-расм. Д5000 – 32 русумли насоснинг иш режими графиги

Графикдан кўришиб турибдики, насос *C* нуктада ишлаганда *A* ва *C* нукталар бўйича напор йўқолиш қиймати фарқи $\Delta h_C = 1,72$ м бўлади, бу эса насосда қувватнинг 28,2 кВт миқдоридан ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Агар насос станция вегетация даврида 2000 соат ишласа ва ундаги бир вақтда ишлайдиган насосларнинг ўртача сони учта бўлса, ортиқча истеъмол электр энергиясининг миқдори 170 000 кВт·соатгача бўлади, бу эса электр энергиясининг ҳозирги тарифи бўйича 50 млн. сўмдан ошади. Аванкамерадаги лойқа чўкмаларининг насос станцияси ишига таъсири

Д5000–32 марказдан қочма насосининг иш режими орқали кўрсатилган (12-расм). Ушбу насос параметрлари: насос вали айланишлари сони 730 об/мин, ишчи ғилдирак диаметри 700 мм, оптимал параметрлари: $Q_A = 1,39$ м³/с, $H_A = 32$ м.

Аванкамерани лойқа босиши туфайли насос сув бериш унумдорлиги 3 % га камайдиган бўлса, напор йўқолиши ошади ва қувурлар тизими НХ ўзгаради ва $H_{2KT} - Q$ графиги кўринишига келади. Бунда юзага келган *B* ишчи нуктада насос $Q_B = 1,348$ м³/с, $H_B = 33$ м га эга бўлади.

Аммо сув бериш графигига мувофиқ вегетация пайтида сув бериш миқдорини $Q_A = 1,39$ м³/с дан камайтириш мумкин эмас, шу сабабли насос айланишлар сонини ростлаш ҳисобига бунга эришилади ва янги ишчи нукта *C* пайдо бўлади.

Лойқа чўкмаларидан тозалаш қурилмасининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳозирги замон иқтисодиётида техника соҳасидаги ишланмалар самарадорлигини ҳисоблашда кенг қўлланиладиган йиллик ҳисобий харажатларни ҳисоблаш усули билан аниқланган. Ҳисобий харажатлар усули ишлаб чиқариш самараси бир хил қилиб олинган ва бир хил шароитга келтирилган бир нечта муқобил вариантлар ичида энг мақбул, харажатлар миқдори минимал бўлган вариантни танлаб олишга асосланган.

Мазкур техник – иқтисодий ҳисобларда асосий вариантлар сифатида 1-жадвалда келтирилган қурилмалар қабул қилинган.

1-жадвал

Аванкамерани лойқа чўкмаларидан тозалаш қурилмалари

Т/р	Вариантлар	Гидро-аралашма сарфи $Q_{га}$ $м^3/соат$	Лойқа сарфи Q_m , $м^3/соат$	Қурилма қуввати, кВт	Насос напори, м
1	Земснаряд УГМ-150	170	50	90	40
2	Грунт насоси ГрАТ(К) 170/40/І – 1,6	170	50	75	40
3	Гидрооқимчали насосли қурилма	$\frac{170}{68}$ *	50	18	58
4	Босим қувурига ишлайдиган гидрооқимчали насос	$\frac{170}{68}$ *	50	17,4	56

* махражда босимли ишчи сув оқими сарфи

Техник-иқтисодий ҳисоблар натижаларини 2-жадвалда келтирилган.

Йиллик ҳисобий харажатлар (ΣXX) қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\Sigma XX = A + Ж + И + Э + Б \quad (7)$$

бунда: A – ишланма ёки қурилманинг амортизация харажатлари;

$Ж$ – жорий таъмирлашга сарф бўлган харажатлар;

$И$ – иш ҳақи харажатлари;

$Э$ – электр энергияси харажатлари;

$Б$ – қурилмага сарф бўлган капитал маблағлар учун йиллик тўловлар.

2-жадвал

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар

Вариантлар	Капитал маблағлар миқдори, минг сўм	Амортизация харажатлари, минг сўм		Жорий таъмирлаш харажатлари, минг сўм		Электр энергия харажатлари, минг сўм	Тўловлар, минг сўм	Жами йиллик ΣX , минг сўм
		Меъёрий қиймат, %	Жами	Меъёрий қиймат, %	Жами			
1	243 000	10,8	26 244	3,5	8505	2700	36450	73899
2	71 550	8,91	6375	2,9	2075	2250	10732	21432
3	15000	3,53	530	0,53	80	540	2250	3400
4	25000	3,53	883	0,53	132	522	3750	5287

Техник-иқтисодий ҳисоблар натижалари асосида минимал харажатларга эга бўлган вариант лойқа чўкмаларини гидрооқимчали насос ёрдамида тозалаш қўлланган 3-вариант эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Илмий тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилига кўра, насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларининг тубига чўкадиган қалин лойқа қатламлари насослар фойдали иш коэффициентини 4 % гача, сув бериш унумдорлигини 5...6 % гача пасайтиради. Ҳозирги пайтда лойқа чўкмаларини тозалаш ишлари вегетациядан кейин амалга оширилади, шу сабабли кўпгина насос

станциялар вегетация пайтида аванкамерадаги лойқа чўкмалари сабабли келиб чиқадиган салбий оқибатлар билан ишлашга мажбур бўлишади, бу эса насос станциясининг самарадорлигини пасайтиради. Натижада насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларида лойқа чўкмаларини эксплуатация мобайнида тозалашни ташкил қилиш станциянинг самарадорлигини оширишда муҳим эканлиги аниқланди.

2. Сув қабул қилиш иншоотларидаги лойқа чўкмаларини насос станциясининг эксплуатацияси пайтида тозалаш учун босим қувуридаги мавжуд гидравлик энергиядан фойдаланиш ҳисобига ишлайдиган гидрооқимчали насос билан жиҳозланган энергия тежамкор, самарали қурилма конструкцияси яратилди. Натижада минимал харажатлар билан насос станциясининг ишлаш даврида ҳам сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкмаларидан самарали тозалаш имконияти яратилди.

3. Лойқа тозалаш қурилмасидаги гидрооқимчали насоснинг напор – сарф характеристикаларини аниқлашнинг янги аналитик ифодаси олинди. Натижада лойқа тозалаш учун қўлланиладиган гидрооқимчали насоснинг напори ва сув сарфини юқори аниқликда ҳисоблаш имконияти яратилди.

4. Насос станциялар аванкамераларидаги лойқа чўкмаларини чиқариб ташлашга мўлжалланган гидрооқимчали насоснинг гидравлик параметрларини аниқлашнинг такомиллашган услубияти ишлаб чиқилди. Натижада лойқа тозалаш учун қўлланиладиган гидрооқимчали насоснинг гидравлик, энергетик ва геометрик параметрларини талаб қилинган лойқа сарфи асосида ҳисоблаш имконияти яратилди.

5. Насос агрегати билан гидрооқимчали насоснинг биргаликдаги иш режимини аниқлашнинг графоаналитик услубияти ишлаб чиқилди. Натижада лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасининг сув сарфи, напори, қуввати ва фойдали иш коэффициентининг қийматларини, шу асосда тежаладиган электр энергиясининг миқдорини аниқлаш имконияти яратилди.

6. Гидрооқимчали насос ёрдамида насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш жараёнини экспериментал тадқиқот қилиш учун лаборатория қурилмаси яратилди ва тажрибаларни бажариш методикаси ишлаб чиқилди. Натижада гидрооқимчали насоснинг лаборатория тадқиқотлари ўтказилди ва экспериментлар натижалари олинди.

7. Экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида лойқа чўкмаларини тозалаш жараёнининг математик модели (тенгламаси) олинди. Тадқиқотлар натижаларининг ҳисобий натижаларга мос келиши аниқланди. Натижада олинган тенглама асосида амалиётда қўлланиладиган лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасини лойиҳалаш имконияти яратилди.

8. Насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларини лойқа чўкмаларидан тозалашнинг иқтисодий самарасини, тозалаш қурилмалари орасида энг самарадор қурилмани аниқлаш бўйича ҳисоблаш ишлари бажарилди. Мазкур ҳисоблар натижалари гидрооқимчали насос билан лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмаси энг иқтисодий самарали қурилма эканлигини кўрсатди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЖУРАЕВ САНЖАР РАШИДОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ НОВОЙ КОНСТРУКЦИИ ВОДОПРИЕМНОГО
СООРУЖЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНЫХ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ**

05.09.06–Гидротехническое и мелиоративное строительство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/T832.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мухаммадиев Мурадулла Мухаммадиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Базаров Дилшод Райимович**
доктор технических наук, профессор

Шакиров Бахтияр Махмудович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары Ниязи 39. Тел.: (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №__). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязи 39. Тел.: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокол рассылки № __ от «__» _____ 2021 года).

Т.З. Султанов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А. Янгиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М.Р. Бакиев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире большое внимание уделяется вопросам повышения энергоэффективности насосных станций, обеспечения их работы в надёжных и ресурсосберегающих режимах, эффективной эксплуатации насосных станций для гарантированного снабжения водой потребителей. При этом особое место занимают исследования по изучению процесса осаждения твердых частиц, имеющихся в перекачиваемой воде гидротехнических сооружений насосных станций, использованию эффективных методов очистки сооружений от отложений, проводимые во многих странах, в том числе в США, Российской Федерации, Китае и Европейском союзе.

В ведущих научных учреждениях мира для повышения энергоэффективности насосных станций особое значение имеют целевые научно-исследовательские работы по эксплуатации оборудования в оптимальных режимах работы, управлению энергопотреблением с помощью специальных программ и способов. В этом аспекте совершенствование регулирования параметров насосов в полном соответствии с графиком водопотребления, в том числе в автоматическом режиме, использование возобновляемых источников энергии в энергопотреблении насосов являются одними из важных вопросов.

